

## Қасам | Сийрат дарслари (306-дарс)



19:00 / 08.11.2024 1965

529. Абу Умома Иёс ибн Саълаба Ҳорисийдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким ўз қасами билан мусулмон кишининг ҳаққини кесиб олса, Аллоҳ унга дўзахни вожиб ва жаннатни ҳаром қилади»**, дедилар. Шунда бир киши у зотга: **«Агар оз нарса бўлса ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули»**, деди. **«Агар арокдан бўлган чўп бўлса ҳам»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

Арок – мисвок олинадиган бута.

530. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир нарсага қасам ичсаю, сўнгида «иншааллоҳ» деса, батаҳқиқ, истисно қилган бўлади»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: **«Ким қасам ичсаю, сўнг истисно қилса, агар хоҳласа, қилади, хоҳламаса, тарк этади, қасамхўр бўлмайди»**, дейилган.

Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

531. Абдурроҳман ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Ҳой Абдурроҳман ибн Самура, амирликни сўрамагин. Агар у сенга сўраш билан берилса, сен унга вакил бўлурсан. Агар у сенга сўрашсиз берилса, сенга у ишда ёрдам берилади. Бир ишга қасам ичсангу, ундан яхшисини кўриб қолсанг, қасамингга каффорот бергин-да, ўша яхшисини қилгин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

532. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида кеч қоронғисигача ўтирди. Сўнг аҳлига қайтиб борса, ёш болалари ухлаб қолган экан. Аёли унга таом келтирди. У бўлса ёш болалари туфайли таом емасликка қасам ичди. Кейин эса, фикри ўзгариб, таомни еди. Сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, бўлиб ўтган нарсани зикр қилди. Шунда у зот: **«Ким бир нарса учун қасам ичса-ю, сўнгра ундан яхшироғини кўриб қолса, ўшани қилсин ва қасамига каффорот берсин»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

**Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.